# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Сўнгра докладчи ўтган йили область колхоз ва совхозларида пахта териш машиналари, ҳайдов тракторлари ва бошқа техникадан ёмон фойдаланилганлиги, кўпинча техника қарови қоидаларига риоя қилинмаганлиги, уни сақлашга хўжасизларча муносабатда бўлинганлигидан далолат берувчи фактларни келтиради.

Бу йил «Узсельхозтехника» область бирлашмаси, унинг жойлардаги органлари, шунингдек колхоз ва совхозлар техникани дала ишларига тайёрлаш ва ундан тўғри фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар.

Культиваторларни тайёрлашга ҳам етарли эътибор берилмаётир. Уларнинг бир қисмидан экишга тайёргарлик кўришда, қолганларидан эса экишдан кейиноқ фойдаланилади.

Техникадан юқори унум билан фойдаланишда малакали механизатор кадрларни танлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда тракторчиларнинг малакасини аниқлаш мақсадида уларни қайта аттестациялаш ишлари ўтказилмоқда. Натижа шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина тракторчиларнинг малакаси ҳали паст. Бу аҳволни тузатиш учун чоралар кўриш зарур. Лекин бу ишни кустарчилик усули билан ўтказиш ярамайди. Тракторчиларнинг малакасини оширишда саноатда тўпланган бой тажрибадан фойдаланиш керак. Жумладан курслар ташкил этиш, якка тартибда ўргатишни амалга ошириш ва шу йўл билан яқин бир-икки йил ичида барча механизаторларнинг биринчи ва иккинчи класс малакасига эга бўлишига эришиш лозим.

Квадрат-уялаб экувчи экипаж аъзоларини тайёрлаш айниқса Комсомол, Янгийўл, Сирдарё районларида қониқарсиз бормоқда.

Шундан сўнг докладчи область колхоз ва совхозларида экишга тайёргарликнинг боришига тўхталади, илғор хўжаликларни қайд қилиб ўтади.

Шу билан бирга у кўрсатдики, кўпгина колхоз ва совхозларда техникани кўклам дала ишларига тайёрлаш тугалланмаган. Ҳалигача далаларни текислаш тамомланмади, шунингдек далалар, бегона ўтлар ҳамда ғўзапоя илдизидан дуруст тозаланмади.

Ерда етарли миқдорда нам тўплашга аҳамият берилмаётганлиги айниқса жиддий ташвиш туғдираётир. Бўка, Пискент, Оққўрғон, Янгийўл, Чиноз районларидаги хўжаликларнинг кўпгина раҳбарлари запас суғоришни ташкил қилиш ва ерни экишдан олдин суғоришга масъулиятсизлик билан қарадилар. Бу йилги шароитда барча хўжаликларда чигит экиш қисқа муддатда тугалланиши, чигит сувсиз текис ундириб олиниши лозим. Бунинг учун талаб қилинган жойларда, ерга запас сув бериш, бороналашни сифатли ўтказиш, ер текислаш, бегона ўтларнинг илдизини чиқариб ташлаш, дала бурчаклари, карта чеккаларини ҳайдашга катта аҳамият бериш зарур. Бу ишларни амалга ошириш учун етарли миқдорда ишчи кучлари ва техника ажратилиши керак.

Бу йилги шароитда сувчиларнинг иши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Кўчат қалинлигини таъминлаш запас суғориш ишларини қандай ўтказилишига боғлиқдир. Ҳозирги пайтда ҳар бир хўжаликда ишда катта тажрибага эга бўлган энг яхши сувчиларни танлаб олиш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак.

Докладчи чорвачилик масалаларига ҳам атрофлича тўхталиб ўтади. Ўртоқ Абдураззоқов чорвачилик ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини қайд қилади.

Бу йил гўшт етиштириш биринчи квартал плани бажарилган бўлишига қарамасдан баъзи районлар ҳаддан ташқари орқада қолмоқдалар: Янгиер районида 25 мартга қадар квартал плани 70,6 процент, Оҳангарон районида 78,4 процент бажарилди. Айниқса сут сотиш қониқарсиз бормоқда.

Бир қатор районларда сигирларнинг сони камайиб кетди. Айни вақтда шахсий сектордаги қорамоллар сони кўпайди. Район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг ходимлари колхозчилар, совхоз ишчилари ва хизматчиларининг чорва сонини қишлоқ хўжалик артели Уставида кўрсатилган ва совхозлар учун белгиланган норма даражасига келтириш учун курашишлари керак.

Чорва туёғини кўпайтиришнинг муҳим шартларидан бири чорвани урчитиб кўпайтиришни тўғри ташкил қилишдан иборатдир. Бироқ бу соҳада кўпгина жиддий камчиликлар бор. Бир қатор хўжаликлар сунъий урчитишни ташкил қилишга етарли эътибор бермайдилар, урғочи молларнинг хўжасизларча харажат қилинишига йўл қўйилмоқда.

Сўнгра докладчи область лубкорлари ва пиллачиларининг вазифалари ҳамда сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштиришни кўпайтириш перспективаларига тўхталиб ўтади. У қайд қиладики, картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, мева етиштириш учун областнинг ихтисослаштирилган районлари ва хўжаликлари жуда кам маҳсулот бермоқдалар, оқибатда Тошкент ва бошқа шаҳарлар аҳолисини маҳсулот билан таъминлаш қониқарсиз бўлмоқда.

Бу йил давлат сабзавотчилик хўжаликларига катта ёрдам берди. Картошка ва сабзавот етиштириш учун ихтисослаштирилган хўжаликларга кўплаб чопиқ ва ҳайдов тракторлари, картошка ковлайдиган, экадиган ва бошқа кўплаб техника ажратилди, уларнинг минерал ўғитга бўлган талаби тўла қондирилди. Область ва район партия ташкилотлари қолоқ колхозларни, совхозларни, совхозларнинг бўлимларини, бригадаларни кадрлар билан мустаҳкамлади. Колхоз ва совхозларда меҳнатни ташкил этиш қайта қурилди. Пахтакор колхоз ва совхозларда махсус сабзавотчилик бригадалари ташкил этилди. Бундан ташқари сабзавот экинларининг алоҳида турларини етиштирадиган ихтисослаштирилган бригада ва звенолар ташкил қилиш соҳасида ишлар олиб борилмоқда. Бу тадбир механизацияни кенг жорий қилиш ва маҳсулот таннархини камайтириш имкониятини беради.

Докладда колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассисларнинг етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун моддий манфаатдорлик принципларини амалга оширишга катта ўрин берилди.

Ўтган йили областда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасида баъзи муваффақиятлар қўлга киритилди. Колхозлар экономикаси мустаҳкамланди, пул даромадлари кўпайди, бўлинмас фондга пул ажратиш ва колхозчиларнинг меҳнат кунларига ҳақ тўлаш ошди.

Бироқ ана шу ўртача кўрсаткичларнинг соясида кўпгина хўжаликлардаги ёмон аҳвол яшириниб келмоқда. Бизнинг ҳамма раҳбарларимиз ҳам пулни тўғри ҳисоблашни ўрганиб олган эмаслар, ҳамма ҳам колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ўз меҳнат натижаларига нисбатан моддий манфаатдорлигини оширишнинг улкан аҳамиятига тушуниб етавермайди. Маъмурий-бошқарув аппаратларининг ҳаддан ташқари кенгайиб кетиши кўпинча жамоат маблағини ортиқча сарф қилиб юборишга олиб келади.

Область партия комитети ва район партия комитетлари, область ижроия комитети ва район ижроия комитетлари ана шу камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чораларни кўрмоқдалар. Ҳозир далачилик бригадаларида ва фермаларда хўжалик ҳисоби жорий қилинмоқда, меҳнатга аккорд мукофот ҳақ тўлаш усулига ўтилмоқда. Ҳосилотлик лавозими тугатилмоқда, кичикроқ бригадаларда эса табелчилар ҳам тугатилмоқда.

Колхоз ва совхозлардаги маъмурий-бошқарув аппаратининг кераксиз звеноларини ҳар тарафлама қисқартириш керак. Оржоникидзе районидаги қишлоқ хўжалик артелларида бошқарув аппаратидаги 63 лавозим қисқартирилди. Бу бир йилда 45 минг сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради. Шу райондаги «XXI партсъезд» совхозида 120 маъмурий-бошқарув лавозими қисқартирилди. Бу, йилига 71 минг сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

Ўртоқ Абдураззоқов шаҳарнинг қишлоққа ёрдами масалаларига тўхталиб, айрим саноат корхоналарининг ишини танқид қилди. Айрим партия ташкилотлари коллективларни давлат планини сўзсиз бажариш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш учун курашга сафарбар этмаётир.

«Узбексельмаш» заводи 1961 йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат планини атиги 94 процент бажарди, қишлоқ хўжалигига 1 миллион 643 минг сўмлик машиналарни кам етказиб берди. Завод номенклатурада белгиланган деярлик барча машиналарни тайёрлаш, шунингдек машиналарнинг янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш топшириқларини ҳам барбод берди. Корхонада қишлоқ хўжалик машиналарига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш жуда қониқарсиз ташкил этилган.

Айрим корхоналар сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттирмоқдалар. Даставвал, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларида бу ҳол юз бермоқда.

Докладчи қишлоқ учун берилган буюртмалар энг шарафли иш деб ҳисобланиши лозимлигини таъкидлайди. Ана шу буюртмаларни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб бажариш, колхоз ва совхозларга моддий техника ёрдамини кучайтириш корхоналар коллективларининг шон-шарафли ишидир.

Партиянинг муассасаларда ишловчи агрономлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари, инженерлар, техник-механизаторлар, экономист-ташкилотчиларга халқ олдидаги юксак бурчни ҳис этиш, бевосита ишлаб чиқаришга — колхоз ва совхозларга, бригада ва фермаларга ишга бориш, ўзларининг билимлари ва тажрибаларини қишлоқ хўжалигини юксалтиришга сарфлаш ҳақида қилган чақириғи қизғин қўллаб-қувватланди.

Область партия ва комсомол комитетларига қишлоққа бориб ишлаш истагини билдирган совет ватанпарварларидан 500 та ариза тушди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 342 киши қишлоққа жўнаб кетди. Район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари уларнинг баракали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришлари зарур.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишни яхшилаш зарурлиги ҳақидаги масалани оқилона кўтардилар. Ҳақиқатда, бизда қишлоқ хўжалиги чинакам бошқарилмас эди. Ўз фаолиятларининг характери жиҳатидан қишлоқ хўжалиги билан боғланган турли хил ташкилотлар, ведомстволар аслини олганда масалаларни ҳал қилмас эдилар, уларнинг биронтаси ҳам колхоз ва совхозлардаги ишнинг аҳволи учун чинакам жавоб бермас эдилар.

Партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларига амал қилиб, областда бешта территориал ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармалари ташкил этилди. Область партия ташкилоти янги органларда ишлаш учун ўз қаторларидан энг яхши мутахассисларни, қишлоқ хўжалигининг билимдонларини, актив партия ва комсомол ходимларини ажратди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқарувчи янги органлар ва область партия комитетининг партия ташкилотчилари колхоз ва совхозларда партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш, давлат интизомига қатъий риоя қилиш, кадрларни танлаш ва ўқитиш, барча хўжаликларда илғорларнинг тажрибасини оммалаштириш, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, нормалаштириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги қарорларини амалга ошириш устидан контроллик қилиб боришлари лозим.

Шунингдек, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш бошқармаси ва область қишлоқ хўжалик комитети ҳам ташкил қилинди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси колхоз ва совхозларнинг фаолияти устидан партия контроллигини кучайтиришга олиб келади. Ҳозир ишлаб чиқариш бошқармалари ходимларини танлаш иши тугалланаётир.

КПСС партия ва комсомол ташкилотларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун жавобгарлигини янада оширишга катта эътибор бераётир.

Бизда қишлоқ хўжалигимиз кейинги вақтда кадрлар билан бирмунча мустаҳкамланди, бошланғич партия ташкилотлари сон жиҳатидан ўсди. 1954 йилнинг 1 январидан то 1962 йилнинг 1 январигача қишлоқ районларидаги коммунистларнинг сони деярлик 10 минг кишига шу жумладан моддий ишлаб чиқариш доирасида ишлаётган коммунистлар сони қарийб 3,5 минг кишига кўпайди. Шу давр ичида қишлоқ хўжалигида ишлаётган комсомоллар сони 7 минг кишидан кўпроқ ошди.

Коммунист ва комсомолларнинг жойи ишлаб чиқаришнинг тақдири ҳал қилинаётган, халқ учун моддий ноз-неъматлар яратилаётган ердадир. Қишлоқ партия ташкилотларининг ҳозирги асосий вазифаси — омма ўртасида ташкилотчилик ишларини кучайтиришдан, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг барча участкаларига оператив таъсир кўрсатишдан, далачилик бригадалари ва фермаларида социалистик мусобақани кенг қизитишдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми илғор тажрибани ўрганиш ва жорий қилиш масаласига ихтиёрий иш деб эмас, балки ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг, ҳар бир коммунист ва комсомолнинг бурчи деб қараш лозимлигини таъкидлади.

Тошкентда бўлиб ўтган зонал кенгашидан кейин областнинг энг яхши хўжаликлари ва бригадаларида илғор тажриба мактаблари ташкил этилди. Лекин бу билан чегараланиш ярамайди. Илғор тажрибани оммалаштириш билан кун сайин шуғулланиш лозим. Ҳар бир районда ва ҳар бир территориал бошқарма ҳузурида қишлоқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари бўйича доимий илғор тажриба мактабларига эга бўлиш керак.

Кооператив маблағларини растрат қилиш, талон-торож этиш, қишлоқ хўжалик артели Уставини қўпол равишда бузишдан иборат шармандали ҳол худди илгаригидек ҳозир ҳам катта нуқсон ҳисобланади.

Ишни шундай ташкил этиш кераки, токи ана шундай жиноятларнинг такрорланишига имконият қолмасин. Бу эса контроль-ревизия ишларининг сифатига боғлиқдир. Афсуски, бизнинг ревизорларимиз, шунингдек колхозлардаги ревизия комиссияларининг аъзолари ўз вазифаларини ҳануз яхши бажармаётирлар. Контроль-ревизия ишларини кескин равишда яхшилаш территориал ишлаб чиқариш бошқармалари, район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг асосий вазифаларидан биридир.

— Бу йил, — деди ўртоқ Абдураззоқов ўз докладининг охирида, — биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган йил ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми бизга партия XXII съездининг мамлакатда маҳсулот мўл-кўллигини вужудга келтириш ҳақидаги қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашиш йўлини кўрсатиб берди. Етти йилликнинг тўртинчи йили бизларнинг ҳаммамиз учун жиддий имтиҳон йили, бизнинг партия белгилаб берган планларни амалга ошириш учун қатъият, изчиллик билан кураш олиб бора билишимиз синаб кўриладиган йил бўлади.

Тошкент область ва шаҳар партия ташкилотлари олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш учун бутун кучларини сарфлайдилар, қишлоқ хўжалигини янада кучли равишда юксалтириш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўртоқ Абдураззоқов доклади юзасидан бошланган музокарада биринчи бўлиб область партия комитетининг Чирчиқ территориал колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасидаги партия ташкилотчиси ўртоқ **Т. Ражабов** сўзга чиқди. Маълумки, дейди у, КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми территориал ишлаб чиқариш бошқармалари зиммасига ҳар бир колхоз ва совхозда конкрет ташкилотчилик иши олиб бориш билан шуғулланиш мажбуриятини юклади. Бизнинг бошқармамиз 43 колхоз ва 6 совхозни бирлаштиради. Бошқарма барча ходимларининг вазифаси ҳар бир хўжаликда давлат планларининг, олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла бажарилишини таъминлаш, барча колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданиятини ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашни ҳамма чоралар билан кучайтиришдан иборат.

Ҳозир кўклам экин кампанияси бошланди. Биз чигит, маккажўхори ва бошқа экинлар уруғини экишни ташкил этишда таяниб ишлайдиган ходимларга эга бўлиш мақсадида ташкилотчи инструкторлар танлашни тезлаштирдик ва бу ишни тугалладик. Зонамизда ҳозирнинг ўзидаёқ 5 минг гектарга яқин ерга чигит ва шунча ерга маккажўхори экилди.

Биз яқин орада Пискент районидаги Тельман номли колхознинг бригадири Ҳакимполвон Қодиров, Оққўрғон совхозининг бригадири Тошмамат Алижонов, Бўка районидаги Охунбобоев номли колхознинг бригадири Саодат Гулаҳмедова бошлиқ илғор бригадалар ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» таянч-намуна хўжалиги ҳузурида доимо ишловчи илғор тажриба мактаблари ташкил қилмоқчимиз.

Ўртоқ Ражабов ўз сўзининг охирида пленум қатнашчиларини ишонтириб айтдики, Чирчиқ территориал колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг ходимлари партиянинг ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар, колхоз ва совхозларда пахта, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг мавжуд резервларидан фойдаланишга эришадилар.

Сўз Янгийўл территориал колхоз-совхоз бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **И. Сотиболдиев**га берилади. Янгийўл зонасига, дейди у, 42 колхоз ва совхоз киради. Улар орасида 12 та қолоқ хўжалик бор. Биз ана шу қолоқ хўжаликларни алоҳида ҳисобга олдик ва янги бошқарма ишининг дастлабки кунларидан бошлабоқ уларга кўпроқ эътибор берамиз, кўпроқ чинакам амалий ёрдам кўрсатамиз. Чунки, қолоқ хўжаликларни ўрта даражадаги ва илғор хўжаликлар қаторига етказиб олиш пахта, каноп, гўшт, сут, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Бошқармамизнинг барча хўжаликларида экиш ишлари қизитилмоқда. Беш минг гектарга яқин ерга чигит, 4,5 минг гектар ерга маккажўхори экилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **П. В. Каймаков** ўз сўзида шаҳар саноат корхоналарининг қишлоққа ёрдамини кучайтириш, оталиқ ишини яхшилаш масалаларига тўхталди. Бу йил, дейди у, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш 38 процент, шу жумладан пахта териш машиналари ишлаб чиқариш 40 процент кўпаяди. Ишчилар планга қўшимча равишда қишлоқ учун кўп миқдорда машиналар, эҳтиёт қисмлар, инструментлар тайёрлашга киришдилар.

Докладчи Тошкент заводлари қишлоқ хўжалик учун тайёрлаётган машиналарнинг сифати талабга жавоб бермаслиги, уларнинг камчилиги кўплиги учун бизни мутлақо тўғри танқид қилди. Шаҳар партия ташкилоти ана шу камчиликларга барҳам бериш чораларини кўрмоқда. Конструкторлик бюроларининг коллективлари ишлаб чиқариш новаторлари билан ҳамкорликда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик машиналарини такомиллаштириш юзасидан катта миқёсда иш олиб бормоқдалар, маҳсулотнинг сифати устидан контролликни кучайтирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарори ва Мурожаатидан илҳомланган шаҳар меҳнаткашларининг ватанпарварлик кўтаринкилиги кўпчиликнинг колхоз ва совхозларга ишга бориш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун курашнинг олдинги сафида бўлиш истагини билдираётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Яқинда биз кўнгиллиларнинг 25 кишидан иборат биринчи группасини қишлоққа узатдик. Яна қўлимизда қишлоқ районларига ишга юборишни илтимос қилган юзлаб ёш ватанпарварларнинг аризаси бор.

Сўнгра ўртоқ Каймаков қишлоққа оталиқ ишини жиддий яхшилаш, уни хўжа кўрсинга эмас, балки маълум мақсадни кўзлаган ҳолда муттасил равишда олиб бориш жуда зарур эканлигини кўрсатди. Шаҳар партия ташкилоти ҳар бир корхона ва ташкилотнинг оталиқ иши бутун йил давомида маълум, чуқур ўйлаб тузилган план асосида олиб борилишига ва колхоз ёки совхозда хўжаликни ривожлантириш масалаларининг бутун бир комплексини қамраб олишига эришиш лозим.

Янгиер шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **Э. Исломов** ўз сўзида районда пахтачиликнинг аҳволини характерловчи айрим рақамларни келтирди. Ўтган йили пахта тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Пахтачиликда банд бўлган ҳар бир киши ҳисобига 9 тоннадан пахта етиштирилди. Механизациялаш даражаси оширилди ва шу сабабли кўп миқдорда маблағ иқтисод қилишга эришилди. Фақат пахтани машина билан теришнинг ўзигина 600 минг сўмга яқин, ҳосилни қопқанорсиз ташиш эса қарийб 200 минг сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди.

Бироқ биз, деб ўз сўзида давом этди ўртоқ Исломов, ҳали давлатдан кўп қарздормиз. Етти йилликнинг уч йили ичида давлатга 8 минг тоннага яқин пахтани кам етказиб бердик. Ана шу қарзни узиш бизнинг бурчимиздир. Ердан яхши фойдаланиш, гектарларнинг тўла бўлишини таъминлаш бу йил пахта етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан биридир. Ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, пахтаси териб олинадиган ҳақиқий майдон чигит экиладиган майдонга нисбатан 3 минг гектар кам бўлади. Фақат карталар ўртасидан олинган суғориш тармоқларига 400 гектардан ортиқ ер чиқиб кетади, ўсимликнинг бир қисми нобуд бўлади. Биз бу йил бунга йўл қўймаймиз. Ҳозирги вақтда район хўжаликларида ҳар бир гектар ерда 110 минг туп ғўза кўчати бўлишини таъминлаш чоралари кўрилаётир.

Далаларда экиш ишлари қизиб кетди. Маккажўхорининг 70 процентдан кўпроғи экиб бўлинди. Пахта далаларида бугун-эрта 400 дан ортиқ экиш агрегати ишлай бошлайди. Район хўжаликлари бу йил сувнинг камчил бўлишини ҳисобга олиб ҳамма ерда запас сув беришни қизитиб юбордилар. 10 апрелгача запас сув беришни давом эттирамиз ва ер етилгач унга чигит экамиз. Биз уруғни чигит суви бермасдан бир текис ундириб олиш учун ана шу зайлда кураш олиб бормоқдамиз.

Ўртоқ Исломов Мирзачўлда пахтачиликни ривожлантиришнинг ажойиб перспективалари ҳақида гапирар экан айни вақтда Мирзачўлнинг шароити мураккаб эканлигини кўрсатди ва олимлардан қўриқ ерлардаги совхозлар ҳамда колхозларга ёрдамни кучайтиришни илтимос қилди.

Бизнинг совхозимиз, деди «Гулистон» совхозининг директори ўртоқ **М. Ғаниев**, 1957 йили ташкил этилган эди. Шу давр мобайнида коллективимиз пахта етиштиришни икки баравар кўпайтирди. Бу, албатта, биз жуда яхши ишлаётирмиз, деган маънони билдирмайди. Ҳали фойдаланилмаган резервлар кўп ва биз уларни ишга тушириш учун ҳаракат қиламиз. Бироқ, афсуски, бу ишга халақит бераётган ташкилотлар бор. Ахир бизда марказий ремонт устахоналари, шунингдек бўлимлардаги устахоналар қурилиши, иккита суғориш каналини барпо этиш ҳалигача тугаллангани йўқда. «Главголодностепстрой» эса бу ишларни 1957 йили бошлаган эди.

Бу йил эса «Узбекгидрострой» янги ерларни экишга тайёрлашни барбод бермоқда. Бу ташкилот механизмлар билан яхши таъминланган, лекин улардан ёмон фойдаланмоқда.

Совхозда чорвачилик бинолари етишмайди ва бу хўжаликнинг ана шу тармоғини ривожлантириш суръатларини секинлаштирмоқда.

Совхоз бу йилги экиш кампаниясини уюшқоқлик билан қизитиб юборди. Дуккакли экинлар ва маккажўхорининг кўп қисми экиб бўлинди. Чигит экишга киришилган биринчи куни 250 гектар ерга экилди. Яхши ҳосил етиштириш мақсадида чигит экишни қисқа муддатларда ва юқори сифатли қилиб ўтказишни мўлжаллаш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Фаннинг ишлаб чиқариш билан маҳкам боғланиши, деб бошлади ўз сўзини чорвачилик илмий-текшириш институтининг директори ўртоқ **Е. Ершова**, қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришнинг зарур шартидир. Фан муваффақиятларини ва илғор тажрибани колхоз ҳамда совхозларга жорий қилиш — давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир. Бироқ, афсуски, ҳамма вақт ҳам хўжаликлар бу соҳада етарли қизиқиш ва қатъият кўрсатабермайдилар.

Ҳозир биз: биринчидан, деҳқончиликнинг ўт далали системаси даврида жорий этилган ва таркибида жуда кўп миқдорда хашак бўлган рационлардан таркибида кўп миқдорда (семиртириш учун бериладиган силос 75 процентгача бўлган) силос рационига ўтишни: иккинчидан, то бир ярим ёшгача бўлган молларни гўштга топшириш учун боқишни (уларни бундан ортиқ боқиш рентабел эмас); учинчидан, комбинациялаштирилган силос тайёрлашни жорий қилишимиз зарур.

Бундан ташқари, дейди ўртоқ Ершова, биз хўжаликларда урчитиш йўли билан чорва молларнинг наслини яхшилашимиз, бу ишни кучайтиришимиз керак. Буларнинг ҳаммаси олимлар колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришида бевосита банд бўлган тажрибакорлар билан яқиндан алоқа қилганларидагина муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари ўртоқ **О. Берднев** ердан тўғри фойдаланиш ва механизацияни жорий қилишни ташкил этиш масалаларига тўхталди. Ерларни талон-торож қилиш, ундан қониқарсиз фойдаланиш, дала ишларини суст механизациялаштириш натижасида район хўжаликлари узоқ вақт давомида пахта тайёрлаш планини бажармай келарди. Беда ва шоли экиладиган майдонларни қисқартириш, бошқа ерлардан фойдаланишни яхшилаш шу йилнинг ўзидаёқ пахта экиладиган майдонни 22 минг гектарга етказиш имконини беради.

Тошкент трактор-йиғув заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Л. В. Арко** пленумга шуни маълум қилдики, завод коммунистлари партия Марказий Комитети март Пленумининг якунларини муҳокама қилиш вақтида ишлаб чиқаришни яхшилаш, завод коллективининг қишлоққа ёрдамини кучайтиришга қаратилган кўпгина қимматли таклифлар киритдилар. Ишчилар эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш квартал планини ошириб бажардилар. Завод ўзи оталиқ қилаётган Оққўрғон районидаги Ленин номли колхозга техникани экиш кампаниясига тайёрлашда ёрдам берди.

Шуҳрат қозонган механизатор, «Малик» совхозининг бригада бошлиғи ўртоқ **Жавод Кўчиев** пленум қатнашчиларига бригадада етти йилликнинг тўртинчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш юзасидан қилинган ишлар ҳақида гапириб берди. Ўртоқ Кўчиев ўз сўзининг кўп қисмини механизаторларни пахта териш машинасида ишлашга қатъият билан ўргатиш, механик-ҳайдовчиларнинг иш малакасини ошириш зарурлигига бағишлади. Бу — пахта териш машиналаридан фойдаланишни кескин равишда яхшилаш, йиғим-терим ишларига қилинадиган сарф-харажатларни камайтириш имконини беради. Нотиқ культиваторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг конструкциясидаги камчиликларни кўрсатиб, конструкторларга жиддий эътирозлар билдирди.

Шунингдек музокараларда Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг секретари **М. Юнусова**, Чирчиқ электр химия комбинатининг директори **Н. Г. Анисимкин**, Бекобод районидаги «Победа» колхозининг раиси **А. Бойбўтаев** ўртоқлар ҳам чиқиб сўзладилар.

Сўнгра область партия комитетининг иккинчи секретари **С. М. Веселов** «КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиш вақтида область меҳнаткашлари киритган таклифларнинг амалга оширилиши ҳақида» доклад қилди.

У айтдики, бутун Совет мамлакати бўйлаб КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини, партиянинг улуғвор Программасини амалда турмушга тадбиқ қилиш юзасидан яратувчилик иши қизғин давом этмоқда. Партиянинг янги Программаси ҳар бир совет кишисига шунинг учун қимматлики, у фақат коммунистларнинггина эмас, балки бутун совет халқи коллектив заковатининг, коллектив меҳнатининг мевасидир. Партиянинг янги Программаси ва Уставини бутун совет халқи кенг ва атрофлича муҳокама қилди.

Тошкент областининг меҳнаткашлари КПСС Программаси ва Уставининг проектларини қизғин ҳамда якдиллик билан маъқуллаб, саноат, транспорт, қурилиш ташкилотлари, колхоз, совхозлар, партия, совет, хўжалик ташкилотлари ҳамда муассасаларнинг ишига тааллуқли жуда кўп танқидий мулоҳазалар баён қилдилар ва таклифлар киритдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев партия Программаси ҳақида қилган докладида меҳнаткашлар киритган таклифлар ва улар билдирган мулоҳазаларга жуда катта аҳамият берди. Съезд область, район партия комитетларига иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига танқидий мулоҳазаларни ва таклифларни конкрет равишда қараб чиқиш, очиб ташланган камчиликларга барҳам бериш юзасидан чоралар кўриш ва бу ҳақда партия комитетларининг Пленумларида ва партия конференцияларида маълум қилишни топширди.

Область партия комитети КПСС XXII съездининг қарорларини бажариш мақсадида область меҳнаткашлари таклифлари ва мулоҳазаларининг бажарилиши ҳақидаги область партия комитетининг ҳисоботини ушбу пленум муҳокамасига киритди. Меҳнаткашлар томонидан киритилган таклифлар ва улар баён қилган мулоҳазаларнинг характери ҳақида Тошкент область XII партия конференциясида маълум қилинган эди.

Коммунистлар ва партиясизлар саноат корхоналарининг ишини яхшилаш ва техника прогрессини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришга автоматика ва янги ускуналарни жорий қилиш, меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш ва унинг унумдорлигини оширишга қаратилган кўпгина таклифлар киритган эдилар. Планлаштириш ва моддий-техника таъминоти соҳасидаги камчиликлар танқид қилинган ҳамда колхоз ва совхозларнинг янада такомиллашган машиналар ва механизмлар билан таъминлашни яхшилаш юзасидан кўпгина таклифлар киритилган эди.

Гулистон район партия комитетининг секретари Акрамов, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Ортиқов, 2-«Далварзин» совхозининг бош агрономи Гусаров ўртоқлар «ХВС—1,2» маркали пахта териш машиналарини, шунингдек пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун прицепларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги масалани қўйган эдилар.

Маълумки, «ХВС—1,2» маркали пахта териш машиналари ва трактор прицеплари областнинг колхоз ва совхозларида кенг маълум бўлди ва уларга бўлган эҳтиёж йил сайин ошмоқда. Ўзбекистон Халқ хўжалик кенгаши буни ҳисобга олиб ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўрсатмаларини амалга ошириш мақсадида «ХВС—1,2» маркали пахта териш машиналари ва пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун прицеплар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан чоралар кўрди.

Киров район партия комитетининг секретари ўртоқ Акрамов «Узбексельмаш» заводига капитал маблағлар ва меҳнат лимитлари ажратишни нотўғри планлаштирганлиги учун Совнархозни танқид қилган эди. Ўзбекистон Халқ хўжалик кенгаши бу эътирозни ҳисобга олиб, заводга қўшимча равишда маблағ ажратди шунингдек ишлаб чиқариш ходимларининг планлаштирилган сонини оширди.

Саноат корхоналарига тааллуқли бошқа бир қатор танқидий мулоҳазалар юзасидан ҳам чоралар кўрилди ва бу область саноатининг ишига ижобий таъсир кўрсатди.

Бироқ бир қатор завод ва фабрикалар қониқарсиз ишлаётганлиги умумий яхши кўрсаткичлар соясида қолмоқда.

Тикувчилик, трикотаж, пойафзал ва мебель корхоналари ҳамда маҳаллий Советларга қарашли саноат маҳсулотининг сифати жуда секин ошмоқда.

Қурувчилар адресига ҳам кўпгина танқидий мулоҳазалар баён қилинган эди. Коммунистлар ва меҳнаткашлар уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектлар қурилиши секин бораётганлигига, ишнинг сифати пастлигига доир кўп сонли фактларга эътиборни жалб этган эдилар. Тошкент шаҳар ижроия комитети, 153-қурилиш тресси ва «Крупнопанельстрой» ана шу мулоҳазаларни ҳисобга олдилар ва ташқи кўриниши яхши, ирригация шохобчалари, болалар майдончаларини қуриш, тратуарларни асфальтлаш ишлари яхши бажарилган уйларни фойдаланишга топширмоқдалар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг бюросида Чиланзор массивидаги уйларни, маданий-маиший объектларни иситиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Ҳозирги вақтда ҳамма уйларда иситиш системалари бор.

Бироқ, умуман олганда область қурилиш ташкилотлари ишининг натижалари жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг вазифаси — саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларига раҳбарликни яхшилашдан, асосий эътиборни техника прогресси, меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш ва унинг унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг янги хилларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга жалб қилишдан иборатдир. Планлаштирувчи органлар билан биргаликда планлаштириш ва моддий техника таъминотини тартибга келтириш лозим. Қурувчиларнинг коллективларини қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб бажаришга сафарбар этиш зарур.

КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиш давомида область меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга қаратилган кўпгина танқидий мулоҳазалар баён қилган ва таклифлар киритган эдилар. Уларнинг кўпчилиги ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилди.

Партия Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиш давомида меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни, хусусан савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилаш масалалари қўйилган эди. Коммунистлар ва меҳнаткашларнинг танқидий мулоҳазаларини ҳисобга олиб, областда аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан маълум даражадаги ишлар қилинди. Товар оборотининг ўсиши билан бир қаторда савдо тармоқлари кенгайди. Областда 267 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналари очилди. Сабзавот сақланадиган омборларнинг сиғими 500 тоннага, омборлар майдонининг сатҳи 750 квадратметрга оширилди. Чирчиқ, Оҳангарон ва Бекобод шаҳарларида ҳар бирининг сиғими 550 тоннага тенг бўлган холодильниклар қурилмоқда.

Бироқ савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналарининг фаолиятида ҳали катта камчиликлар бор. Растрат қилиш, талон-торож этиш, совет савдоси қоидаларини бузиш фактлари бор.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналарининг иши устидан муттасил контроллик қилиб боришлари зарур.

Партия ва совет органлари меҳнаткашларнинг медицина муассасалари ишига тааллуқли танқидий мулоҳазалари юзасидан ҳам чоралар кўрмоқдалар. Етти йилликнинг уч йили мобайнида койкалар сони 3910 тага кўпайди. Шу муддат ичида қўшимча равишда 107 та фельдшерлик-акушерлик пунктлари, 8 та касалхона ва 26 та дорихона очилди, врачларнинг сони кўпайди.

Область меҳнаткашлари халқ маорифи ишини яхшилаш, хусусан мактабларни бир сменали машғулотга кўчириш юзасидан кўпгина танқидий мулоҳазалар баён қилган эдилар. Бу йил давлат бюджети ҳисобидан 22 мактаб ва 10 мактаб-интернат қурилмоқда. Колхозлар 35 та мактаб қурадилар. Аммо бу етарли эмас. Шу сабабли мактаблар ва синф хоналари учун бинолар қидириб топиш юзасидан бундан буён ҳам катта иш олиб бориш керак.

Область, шаҳар ва район партия конференцияларида ҳамда ҳисобот-сайлов партия йиғилишларида область партия комитети ва айрим район ҳамда шаҳар партия комитетлари ишининг услуби ва методидаги жиддий камчиликлар ҳақида кўп сонли таклифлар киритилган ва танқидий мулоҳазалар баён қилинган эди. Шунингдек, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ходимлари партия ташкилотларининг иши билан танишган вақтларида ҳам ана шу камчиликларни қайд қилган эдилар. Тошкент область партия комитети марказий матбуотда ва партия органлари ходимларининг январь ойида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида ҳаққоний равишда кескин танқид қилинган эди.

Область партия комитети халқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги камчиликларга барҳам бериш ва омма ўртасида жонли ташкилотчилик иши олиб боришни яхшилаш юзасидан чоралар кўрмоқда.

Бироқ партия комитетларининг иш услуби ва методларидаги камчиликларга барҳам бериш юзасидан қилинган ишни ҳали сира етарли деб бўлмайди ва биз КПСС Марказий Комитетининг жойларда ташкилотчилик ишларини кучайтириш ҳамда раҳбарликнинг концеляриячилик — бюрократлик методларига барҳам беришга қаратилган кўрсатмаларини тўла бажариш мақсадида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Кадрлар билан ишлашни яхшилаш хўжалик-сиёсий вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг ҳал қилувчи шартларидан бири ҳисобланади. Ходимларни топширилган иш учун юксак масъулиятни ҳис этиш, умумдавлат манфаатларига, партия ва давлат интизомига сўзсиз риоя этиш руҳида тарбиялаш — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Область партия ташкилоти олдида, дейди докладчи пировардида, КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги катта вазифалар турибди. Агар халқ хўжалигининг барча тармоқларига партия раҳбарлигининг даражаси оширилсагина, ишнинг услуби ва методлари такомиллаштириб борилсагина бу вазифалар муваффақиятли бажарилиши мумкин.

* * *

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Ф. Е. Титов** ўртоқлар иштирок этдилар.

